

Шайх Муҳаммад Аввоманинг Ўзбекистонга сафари хориж матбуотида ҳам кенг ёритилмоқда



13:46 / 20.09.2018 4167

Туркия Республикасининг “Anadolu” ахборот агентлиги томонидан ҳам Ислом дунёсининг машҳур олими Муҳаммад Аввоманинг юртимизга ташрифи ҳақида батафсил [хабар](#) тарқатилди.

Хабарда шайх ҳазратлари бошчилигидаги азиз меҳмонларнинг юртимизда ўзбекистонлик дин олимлари томонидан илиқ кутиб олингани эътироф қилинган. Олимнинг Самарқанд шаҳри сафарига «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ ҳамроҳлик қилаётгани, улар Имом Бухорий илмий марказида муҳаддислар султони Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ қабрларини зиёрат этгани маълум қилинган.

Ахборот агентлигининг ёзишича, шайх Муҳаммад Аввома марказдаги талабалар билан учрашувда: “Бу мамлакат бутун Ислом оламининг ифтихори бўлмиш Имом Бухорийдек зотни етиштиргани учун ҳам фахланишга ҳақлидир”, дея алоҳида эътироф қилган.

Шунингдек, хабарда шайх ҳазрат юртдошимиз Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳнинг мақбараларини зиёрат этиш давомида у зотнинг қабрлари ёнида “Саҳиҳул Бухорий”дан ҳадислар ўқиб, шарҳлаб бергани ҳам келтириб ўтилган. Хабарда шайх ҳазратнинг шаҳардаги бошқа зиёратлари ҳақида ҳам сўз борган, шунингдек, Бухоро, Термиз, Қарши ва Тошкентга сафар уюштирилиши таъкидлаб ўтилган.

Хабар сўнггида Муҳаммад Аввома ҳазратнинг таржимаи ҳоллари ҳам келтириб ўтилган.

“Anadolu” АА материали асосида

Islom.uz портали таҳририяти тайёрлади